



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**
3 - МАХСУС СОН

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**
СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**
SPECIAL ISSUE - 3



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр
академик (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гулнор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жураев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Раҳиммамед
к.ф.и. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шинкушвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Муҳаммаджон
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тўхтасинов Илҳом
к.ф.и., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр
академик (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы
д.ф.и., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.и., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гулнор
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
д.ф.и., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
д.ф.и., профессор (Россия)

Жураев Маматкул
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Раҳиммамед
к.ф.и. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархўжаев Мухтор
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзевский А.С.
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
д.ф.и., профессор (Ўзбекистон)

Шинкушвили Тамар
д.ф.и. (Грузия)

Юсупов Ойбек
отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:
Kholibekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov
academician (Uzbekistan)

Yakub Umaroglu
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulnordom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnudin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shinkashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

14. Temirova Kamola, O'ZLIK ILMI VA O'ZBEK FILMI ("MAHALLADA DUV-DUV GAP" KINOFILMIDA ISHLATILGAN IBORALAR TALQINI).....	93
15. Тоирова Гули Ибрагимовна, ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ КОРПУСНИ ЯРАТИШДА ИНТЕРФЕЙСНИНГ АҲАМИЯТИ.....	100
16. Туробов Абдурайим Маликович, ЯСАМА СЎЗЛАР ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ.....	105
17. Fozilova Makhina Adashevna, SELECTION AND CLASSIFICATION OF SPEECH ETIQUETTE UNITS OF THE STUDIED LANGUAGE FOR EDUCATIONAL PURPOSES.....	112
18. Enazarov Tolib Djumanazarovich, Qurbonov Nodirjon Buriboyevich DERIVATIVE OPPORTUNITIES OF TOPONYMS IN THE UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES.....	117
19. Ernazarova Iroda Shavkatovna, SO'Z IJODKORINING QOMUSIY LUG'ATI TADQIQI.....	124

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

1. Досбаева Наргиза Турғунпўлатовна ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСЕМАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАРИДАГИ ЛИНГВОМАДАНИЙ БЕЛГИЛАР (А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романида қўлланган "ихлос" ва "ғариб" сўзлари мисолида).....	129
2. Рустамова Шахноза Абдурахимовна, VIII-IX АСРЛАР ЮНОН ТИЛИДАН АРАБ ТИЛИГА ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАР.....	138
3. Tursunova Feruza Tursun kizi, INTERACTION OF CONTRASTING LINGUISTICS AND TRANSLATION THEORY.....	143
4. Yuldasheva Umida THE IMPORTANCE OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES IN THE PROCESS OF TRANSFORMATION.....	148

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Тоирова Гули Ибрагимовна,
Бухоро давлат университети,
Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти
e-mail: tugulijon@mail.ru

ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ КОРПУСНИ ЯРАТИШДА ИНТЕРФЕЙСНИНГ АҲАМИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-3-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллифлик корпуси ва унинг замонавий дугатчиликда катта аҳамияти, жаҳонда Пушкин муаллифлик корпуси, Чехов муаллифлик корпуси, Шекспир муаллифлик корпусларининг устулиги ва уларнинг камчиликлари айтиб ўтилади. Муаллифлик корпусларининг интерфейси турли дизайн, тузилишга эгаллиги, унинг мукаммаллиги корпус яратувчи муаллифнинг зиммасига юкланиши, интерфейс корпус ҳақида илк таассурот қолдирувчи, ўзига жалб этувчи умумий кўриниш бўлиши уқтирилади. Интерфейс яратишда миллий коллоритни эътиборга олган ҳолда мумтоз ёки замонавийликни ақс эттирувчи белгилар эътиборга олинган, интерфейсда ижодкорнинг ҳаёти, фаолияти, у яратган асарлар алоҳида ойналарда очилган, фотогалерея қисми ҳам бўлиши шартлиги ёритилиб берилган. Шунингдек, ички ва ташқи интерфейс кўринишлари муҳокама қилинади.

Таянч сўзлар: Интерфейс, муаллифлик корпуси, математик моделлаштириш, морфологик ва семантик аннотация, информацион ресурс, лингвистик база, сунъий интеллект

ВАЖНОСТЬ ИНТЕРФЕЙСА В СОЗДАНИИ УЗБЕКСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО КОРПУСА

АННОТАЦИЯ

В этой статье авторский корпус и его большое значение в современной лексике, пушкинский авторский корпус в мире, авторский корпус Чехова, авторский корпус Шекспира и их недостатки. В статье раскрывается интерфейс авторских корпусов отличается по дизайну, структуре, ответственности за корпус автора тела, а интерфейс представляет собой поразительный и привлекательный общий вид. Дизайн интерфейса должен учитывать изысканные украшения национальных цветов и символов, отражающих классику или современность. А также обсуждается внутренний и внешний интерфейс.

Ключевые слова: Интерфейс, корпус авторского корпус, математическое моделирование, морфологическая и семантическая аннотация, информационный ресурс, лингвистическая база, искусственный интеллект

IMPORTANCE OF INTERFACE IN CREATION OF THE UZBEK NATIONAL CORPUS

ANNOTATION

In this article, the author's corps and its great importance in modern vocabulary, the Pushkin author's corps in the world, the Chekhov author's corps, Shakespeare's author's corps and their shortcomings. The article reveals the interface of the author's bodies differs in design, structure, responsibility for the body of the author's body, and the interface is a striking and attractive overall appearance. The design of the interface should take into account the exquisite decorations of national colors and symbols that reflect classics or modernity. It also discusses the internal and external interface.

Key words: Interface, corpus of authors corpus, mathematical modeling, morphological and semantic annotation, information resource, linguistic base, artificial intelligence

Кириш. Инсоният пайдо бўлибдики, унинг турмуш тарзи, дунёкараши мунтазам ижобий томонга ўзгариб туради. Бу жараён дастлаб табиат ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда ўзгарган бўлса, кейинчалик эҳтиёжларни қондириш, вақтни тежаш ва бошқа енгилликларни яратиш учун ўзгартиришларни амалга оширади. XXI асрда бу ўзгаришлар жараёни сунъий интеллект (artificial intelligence – AI) нинг ҳаётимизга кириб келиши билан энг юқори чўққига чиқди. Дарҳақиқат, биз фойдаланаётган кўплаб ахборот технологиялари дастурлари, жумладан, мобил қурилмаларнинг барчаси сунъий интеллект маҳсулидир. Уларни яратиш ёки йиғиш жараёнида, албатта махсус роботларнинг беминнат хизматида фойдаланилади. Чунончи, бир роботни яратиш учун бошқа бир робот ишлатилади. Оғир саноатда айниқса, роботларнинг улуши каттадир. Бунинг сабаби, маълум бир ишни бажариш учун мўлжалланган роботлар берилган вазифани одамларга нисбатан тезроқ, аниқроқ, энг муҳими, бехато бажаришади. Робот деганда, кўпчилиكنинг кўз олдига инсонлардек гаплаша оладиган, уларнинг ўрнига барча юмушларни бажара оладиган “темир” ёрдамчилар келади. Аммо бу нисбатан кенгрок тушунча. Аслида, мобил қурилмадаги дастурлар: google-таржимон, лугатлар, турли хил ўйинлар ва ҳоказолар ҳам сунъий интеллектнинг яққол мисолдир. Уларнинг қамрови кичикроқ бўлганлиги сабабли, маълум бир йўналишдагина бизга ёрдам бера олади. Яъни, бажармоқчи бўлган амалларимизнинг турига қараб тегишли дастурдан фойдаланамиз.

Сунъий интеллектнинг ўзи нима?! Сунъий интеллект — информатиканинг алоҳида соҳаси. Инсон онги билан боғлиқ имкониятларни, яъни тилни тушуниш, ўргатиш, муҳокама қилиш, масалани ечиш, таржима ва шу каби имкониятларни компьютер тизимларида яратиш билан шугулланади.

Р.Шенк сунъий интеллект, фикрлаш ва ўзини тушунишга бағишланган мақоласида шундай ёзади: “Сунъий интеллект тафаккурни тушунишга онд умумий интилишнинг бир қисми ҳисобланади. Биз бундай ҳаракатларга муҳим ҳисса қўшишга ишонамиз ва улар илм-фанимизнинг мақсадидир. Биз ёзган дастурлар натижа эмас, балки тажриба берди. Бизни кизиқтирадиган нарса интеллект ҳисобланади, артефакт (сунъий яратилган объект[6]) эмас. Эришилган натижалардаги ютуқларимиз, шубҳасиз, кундалик ҳаётнинг зарур қисмига айланадиган автоматик ҳамкорларга йўл очади”[13]. Р.Шенк фикрига қўшимча равишда айтиш мумкинки, компьютер лингвистикасида эришилган натижалардаги ютуқлар, шубҳасиз, келажакда иш-фаолиятни автоматлаштиришга хизмат қилади. Ҳозирда сунъий интеллект турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ҳамда дастурий тизимлардан иборат ва у инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларнинг уддасидан чиқа олади.

Тилнинг функционал имкониятларидан фойдаланиш борасида замонавий ахборот технологиялари бениҳоя кенг қулайликлар эшигини очди. Масалан, компьютер таржимаси, таҳрири, таҳлили, электрон лугатлар ва тезаурус(тил хазинаси)кабиларнинг яратилиши фикримиз далилидир. Айниқса, бутунги кун учун замонавий электрон лугатлар тузиш ва

улардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш тил имкониятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ақлий тасаввур қондалари ва мантикий хулосалар қонуниятларига таянган ҳолда табиий тил тизимини “қайта ишлаш”нинг талаб ва ҳақиқатга мос назариясини яратиш ва шундай ғоялар замирида матиларни қайта ишлаш эҳтиёжи сунъий интеллект тизимида лингвистик база яратишни такозо этади. Лингвистик база корпус яратиш учун асосий таъминот ҳисобланади.

Корпус нима?! Корпус — тил birlikларининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида қидирув дастурига бўйсундирилган матилар мажмуи, табиий тилдаги электрон шаклда сақланган ёзма ёки оғзаки, компьютерлаштирилган қидирув тизимига дастурий таъминот асосида жойлаштирилган on-line ёки off-line тизимда ишлайдиган матилар жамланмаси [16]. У электрон шаклда мавжуд бўлган матиларни, ҳужжатларни маълумотларни қайта ишлаш, уларни автоматик таҳлил, яъни морфологик синтактик ва семантик таҳлил қилиш, морфологик анализ ва синтез қилиш билан бирга, ярим автоматик режимда маънони бузмасдан ишончли нутқ материални мослаштириш даражасини текшириш ушбу соҳадаги тил билан қизиқишни оширишга хизмат қилади. Бугун ўзбек тилидаги матиларни таҳлил қилиш инсон қўл меҳнати билан амалга оширилмоқда, бу эса ўз навбатида матиларни таҳлилга кетадиган вақтнинг кўп сарф қилиниши, иктисодий харажатларнинг ошиши, инсон томонидан йўл қўйиладиган хатоликларнинг юзага чиқишига олиб келмоқда. Шу жиҳатдан корпусларини тил бўйича тадқиқот ва амалий топшириқлар ечими учун инкор этиб бўлмас иш курали деб атасак бўлади.

Корпус ўзига хос интерфейсга эга бўлиши керак. Хўш, Интерфейс нима? “Интерфейс” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “ташки қўриниш” деган маъноларда ишлатилади. Ушбу сўз кўпинча компьютер ва компьютер технологиясида қўлланилади. Компьютер - инсон ва машина ўртасида турли хил ахборот алмашинуви таъминлайдиган ягона алоқа тизимидир. Интерфейс - бу битта тизимнинг иккита элементи ва ушбу тизим ёрдамида ишлайдиган боғловчи бўғин. Интерфейс турли хил тугунлар ва мураккаб ускуналар блоклари, шунингдек, технология ва фойдаланувчи ўртасидаги алоқа тизими ҳисобланади. Бу мантикий (ахборот вакиллик тизими) ва жисмоний (ахборот узатиш хоссалари) шаклида ифодаланади. Унинг ёрдамида сиз буйруқлар берадиган ва компьютер уларни бажаради. Бундай интерфейс фойдаланувчи интерфейси деб номланади. Ҳар қандай қурилманинг интерфейси бажарадиган вазифаларига қараб ташки ва ички қўринишларга бўлинади. Ички интерфейс, фойдаланувчи тўғридан-тўғри кириш ҳукукига эга бўлмаган, яширилган нарсаларни англатади. Унинг хусусиятлари хусусий деб номланади. Ташки интерфейс фойдаланувчи тўғридан-тўғри алоқа қиладиган ва унинг ёрдамида қурилмани бошқарадиган нарсага ишора қиладди. Уларнинг хусусиятлари оммавий дейилади. Ушбу икки турдаги интерфейс ҳар доим битта қурилмага қиради ва унинг ишлашини таъминлайди, улар алоҳида мавжуд бўлолмайди. Фойдаланувчи интерфейсини 2 қисмга бўлиш мумкин, бу қурилмага маълумот киритиш учун жавобгар бўлган ва фойдаланувчига унинг чиқиши учун жавобгар бўлган қисм. Агар биз оддий иш компютери ҳақида гапирадиган бўлсак, унда биринчи тоифада биз компютерда ишлайдиган барча нарсалар мавжуд. Энг оддий мисоллар - сичқонча, клавиатура, USB- порт. Шунга кўра, ҳамма нарсалар иккинчи тоифага тегишли бўлиб, унинг ёрдамида компютер фойдаланувчига маълумотни бир хил клавиатура, сичқонча ва бошқа кириш мосламалари, яъни мониторлар, карнайлар, наушниклар, принтерлар, плутерлар ва бошқалар орқали берилган буйруқларга жавоб бериб, узатади [6]. Компютер технологиясида ишлатиладиган интерфейс қуйидаги турларда бўлади:

Визуал. Мониторда намоён этиладиган визуал тасвирлар ёрдамида маълумотларни узатадиган стандарт компютер интерфейси.

Имо-ишора. Қонда тариқасида, у телефонлар ёки планшетлар учун интерфейс бўлиб хизмат қиладди. Кўпгина ҳолларда, бу тизимни бошқарадиган одамнинг бармоқларининг ҳаракатларига жавоб берадиган ва ҳар бир аниқ ҳаракатга маълум даражада жавоб берадиган сенсорли панел. Оддий визуал интерфейсининг соддалаштирилган версияси деб аташ мумкин.

Овоз. Ушбу турдаги интерфейс небатан яқинда пайдо бўлди. Овозли буйруқлар ёрдамида тизимни бошқариш имкониятини беради. Тизим, ўз навбатида, фойдаланувчи билан мулоқот орқали ҳам жавоб беради. Энг қизиғи шундаки, замонавий технологиялар бизга нафакат телефонлар ёки компютерларнинг овозини, балки маънавий техника ва ҳатто бортли компютерларнинг овозини бошқаришга имкон беради.

Ушбу соҳадаги энг янги йўналишлардан бири бу сенсорли интерфейс. Унинг ишлаш принципи маълум объектлар орқали амалга ошириладиган фойдаланувчи ва машинанинг жисмоний ўзаро таъсирига асосланади. Айтишимиз мумкинки, бу монитрдан фойдаланган ҳолда фойдаланувчига илгари маълумотни графикавий равишда олган маълумотларни тақдим этишга уринишдир.

Тизим ва дастур интерфейси. Бундай интерфейслар 2 турга бўлинади: тизим ва амалий дастурлаш интерфейси. Тизим интерфейси икки хил бўлиши мумкин: буйруқ берувчи ва график. Илова дастурлаш интерфейси ёки API бу баъзи бир дастур бирон бир операцияни бажариш учун операцион тизимга мурожаат қиладиган бир турдаги сўров орқали амалга оширилади. Ушбу интерфейс турли хил ишлаб чиқувчилар томонидан дастурларни яратиш учун ишлатилади. Одатда буйруқ берувчи интерфейс фойдаланувчи маълум кўрсатмаларни киритадиган буйруқ катори бўлиб, аксарият ҳолларда ўз синтаксисига эга (масалан, ubuntu операцион тизими) ва тизим уларни бажаради.

График интерфейс буйруқ берувчи интерфейс буйруқлари туфайли ишлайди, аммо ундан фарқли ўлароқ, буйруқлар буйруқлар сатрига матн орқали кирмайди, балки пиктограмма, ойналар ва бошқалар каби график тасвирлар орқали юборилади. Ушбу турдаги интерфейс энг кенг тарқалган бўлиб, бугунги кунда кўпгина шахсий компютерларда қўлланилади. Бундай интерфейслар кўпинча WIMP деб аталади, яъни бу - Window (Окошко), Icon (Иконка), Menu (Меню), Pointing device (Манипулирующее устройство) сўзларининг биринчи ҳарфларининг қисқартмасидир [4,5].

Муаллифлик корпусларининг интерфейси турли дизайн, тузилишга эга бўлиб, унинг мукаммаллиги корпус яратувчи муаллифнинг зиммасига юкланади. Чунки интерфейс корпус ҳақида илк таассурот қолдирувчи, ўзига жалб этувчи умумий кўринишдир. Интерфейс яратишда миллий коллоритни экс эттирувчи безаклар ҳамда мумтоз ёки замонавийликни акс эттирувчи белгилар эътиборга олинishi лозим. Интерфейсда ижодкорнинг ҳаёти, фаолияти, у яратган асарлар алоҳида ойналарда очилиши, фотогалерея қисми ҳам бўлиши шарт. Юқорида санаб ўтилган материаллар корпусдан электрон кутубхона сифатида фойдаланиш имконини беради. “Қидирув” тизимда ижодкорнинг ҳаёти, фаолияти, у яратган асарлар алоҳида ойналарда очилиши, фотогалерея каби ойналар корпуснинг имкониятларини ишга солади. Бу ойналар корпус бирликларининг разметкаланиши асосида қидирувчи таъминлашдаги дастурий таъминотдир. Муаллифлик корпусининг интерфейси фойдаланувга тушунарли, ишлаш учун қулай, энг оптимал вариантдаги серкирра разметкаланган, мукамал бўлиши керак. Глобал тармоқда мавжуд корпуслар катта ҳажмли (материалларнинг кўпчилиги), ҳамда чуқур разметкага эгаллиги билан ажралиб туради. Масалан, Пушкин ва Чехов корпуслар морфологик ва семантик аннотацияланган, мукамал корпуслардир. Аммо у замонавий дастурий дизайн талабларига жавоб бермайди. Чунки уларнинг яратилганлигига 8 -10 йил бўлган. Кейингиси Шекспир муаллифлик корпуси қидирув тизимининг мукаммаллиги ҳамма дизайннинг ёркинлиги билан ажралиб туради, аммо у морфологик ва семантик разметкаланмаган. Мавжуд корпусларнинг ҳар бири ўзгача камчиликка эга. Масалан, тожик тили корпуси фақат электрон кутубхона вазифасини, фото ва видео галерея вазифасини бажара олади. Бу корпус умуман разметкаланмаган, қидирув тизими номукамал ва ноқулайдир. Фақат яхлит асаргагина ишора қила олади. Рус тилшунослари томонидан яратилган Пушкин ва Чехов корпусларида синтактик разметка мавжуд эмас. Яратилган муаллифлик корпуси Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси корпуси бўйича электрон-маълумотлар базаси ҳисобланади, сунъий интелект асосида ўзбек тилини қайта ишлашга: имловий-таҳрир, автоматик ишлов бериш ва таржима дастурларини тузишга, турли белгилар асосида қидирув амалга оширилади [16,18]. Яратилган корпус - сўзнинг қўлланиш даври ва частотасини

аниқлай олади, тилнинг жонли қурилишини, сўзларнинг ўзаро бириктиш имкониятини таҳлил қила олади, матнни автоматик қайта ишлайди (мас., таржима қилиш) ва турли кидирув тизимлари автоматик бажара олади. Вактни 100 барорбар тежайди.

Демак, муаллифлик корпусини яратишда интерфейс асосий роль ўйнайди. Замонавий дастурий дизайн талабларига жавоб берадиган, фойдаланувга тушунарли, ишлаш учун қулай шаклда яратиш лозим.

Адабиётлар:

1. Mirziyoyev Sh.M. We build a free and prosperous democratic state of Uzbekistan. Speech at the joint session of the chambers of the Oliy Majlis on the occasion of the solemn ceremony of the President of the Republic of Uzbekistan – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2016. – 56 p.
2. Abduraxmonova N.Z. Linguistic support of the English translation of texts into Uzbek (examples of simple terms). Philosopher of Philol.fan (PhD)...dis. aftoref. – Tashkent, 2018.
3. Vanyushkin A. S., Graçenko L. A. Evaluation of Keyword Extraction Algorithms: Tools and Resources // New information technologies in automated system — 2017. — № 20. — P. 95—102.
4. Nikolayev I. S., Mitrenina O. V., Lando T. M. Applied and computational linguistics — M.URSS, 2016. — 320 p.
5. Nedoshivina ye.V. Programs for raboty with corpus texts: a review of osnovny korpusny managers. Teaching guide. – Sankt-Peterburg. – 2006. 26 s.
6. Raxilina ye. V., Marushkina A. S. Corpus studies of speech features of non-standard speakers ("xeritajnyy russkiy") // Acta Linguistica Petropolitana. Trudy instituta lingvisticheskix issledovaniy. 2015. T. XI. № 1. S. 621-639.
7. Leech G. The State of Art in Corpus Linguistics // English Corpus Linguistics / Aimer K., Altenberg K.(eds.) – London, 1991. – P. 8-29.
8. Kutuzov A.B. Corpus linguistics. – (Elektron resurs): Litsenziya Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Elektron resurs) - //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf.
9. Blumfeld L. Language. – M.: «Progress», 1968. – 608 s.
10. Fries Ch.C. The structure of English. An introduction to the construction of English sentences. – L., 1969. – S.98
11. Bongers H. The history and principles of Vocabulary control. – Woerden: WOCOPI, 1947. – S.74
12. Frensis N., Kuchera G. Vychislitelny analysis of modern American English yazyka. – M., 1967
13. Melchuk I.A. Word order in the automatic synthesis of the Russian word (preliminary reports) // Nauchno –texnicheskaya informatsiya. 1985, №12. –S.12-36
14. Mengliyev B. Is the corpus of the Uzbek language created? April 24, 2018 <http://www.xabar.uz/talim/ozbek-tili-korpusi-yaratilyaptimi>
15. Mengliyev B. National corpus of the Uzbek language. April 26, 2018 <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/fan/1241.htm>
16. Mengliyev B., Toirova G. Hamroyeva Sh. Guvohnoma № DGU 05735 Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлиги. – Тошкент, 2018.
17. Hamroyeva Sh. Linguistic bases of creation of the Uzbek language of the author's corpus. PhD disser.avtoref. - Qarshi, 2018. -52 b.
18. Hamroyeva Sh. Use of corpus in education “Til va adabiyot ta’limi” jurnali. 2017-yil sentyabr, № 9. B.49-50.
19. Hamroyeva Sh. Principles of corpus . “BuxDU ilmiy axborotnomasi” jurnali. 2018-yil. №3.